Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

12 январь, жума, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 9 (1262)

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

***11 январь куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида ҳукуматлараро алмашув ноталари имзоланди.***

Ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов ва Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Укэру Магосаки имзолади. Бу аҳдлашув икки мамлакат ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришни кўзда тутади.

Айни пайтда У. Магосаки Япония ҳукуматининг «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаcига 400 миллион иен миқдоридаги беғараз ёрдамини топширди. Мазкур маблағ, асосан, Андижон вилоятидаги шифохоналарнинг аҳволини яхшилаш, мамлакатимизда оналик ва болаликни ҳимоя қилишга сарфланади.

(ЎзА).

## АХБОРОТ МАРКАЗИ ТУЗИЛДИ

***Республика Президенти девонида Ахборот маркази тузилди. Марказнинг асосий мақсади — мамлакатимиз халқига ва жаҳон жамоатчилигига Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида тезкорлик билан мунтазам ва батафсил хабар бериб туришдан иборат.***

Шу муносабат билан республика газета ва журналлари, радио-телевидение, нашриёт раҳбарлари, етакчи журналистлар, ноширлар иштирокида учрашув бўлди. Унда мазкур марказнинг фаолияти, республика оммавий ахборот воситалари олдида турган долзарб вазифалар хусусида фикрлашиб олинди.

Учрашувда республика Президентининг Давлат маслаҳатчилари Темур Алимов, Хайрулла Жўраев, Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст иштирок этди.

(ЎзА).



*Шаҳрихон туманидаги «Шаҳрихон» жамоа хўжалигида Мунисхон Қаюмовани уста пахтакор, ташаббускор бригада етакчиси сифатида ҳурматлашади. Кўп йиллардан буён хўжаликнинг 1-бригадасига бошчилик қилиб келаётган Мунисхон деҳқонлар қалбига йўл топа билади, ҳар бир ишни жамоа аъзолари билан бамаслаҳат ҳал этади. Бирон йил йўқки, у бошчилигидаги жамоа ўз режаларини уддаламаган бўлсин. Айни кунларда ҳам бригада далаларида иш тўхтагани йўқ. Бу ерда ариқ-зовурларни тозалаш, далага маҳаллий ўғит чиқариш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.*

*СУРАТДА: илғор бригада етакчиси Мунисхон Қаюмова.*

**Тоҳиржон УЛУҒБЕК олган сурат.**

## КОЛЛЕКТОР ҚУРИЛИШИНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРИШ КЕРАК

***Амударёга Беруний насос станцияси томонидан йилига 800 миллион куб метр оқава сувлари ташланади. Шу боис бундан икки йилча муқаддам коллектор ва дренаж сувларининг бевосита Амударёга оқизилишига барҳам бериш мақсадида Қорақалпоғистонда махсус иншоот — бош жанубий коллекторни қуриш режаси жамоатчилик томонидан катта хурсандчилик билан кутиб олинган эди.***

Ушбу аҳамиятли иншоотнинг бош пудратчиси бўлган «Орол сувқурилиш» бирлашмаси бўлинмалари қурилишни жадал суръатлар билан бошлаб юбордилар. Агар қурилишни маблағ билан таъминлашда баъзи узилишларга йўл қўйилмаганида, 1995 йилнинг ёзида Оролга бош жанубий коллектор орқали сув етиб борган бўлар эди. Шунга қарамасдан қурувчилар мазкур объектда йилига ўртача ярим миллиард сўмлик ишларни бажаришга муваффақ бўлмоқдалар. Холбуки, бирлашма яна ҳам кўпроқ маблағни ўзлаштириш имкониятига эгадир.

Айни пайтда бажарилган ишларга ҳам маблағнинг ўз вақтида етказиб берилмаётганлигидан қурилиш суръати ой сайин сустлашиб бормоқда. Ҳар дақиқада 95 куб метр сув ўтказадиган, узунлиги уч юз чақиримдан ошиқроқ бўлган иншоотни тезроқ ишга тушириш асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

**Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Иқтисодиёт қирралари*

## МАҚСАДИМИЗ ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚИШ

### — дейди «Нафиса» ҳиссадорлик жамияти жамоаси

***Шофирконда мазкур ҳиссадорлик жамиятини билмайдиган кишининг ўзи йўқ. Бошдан у туман саноат комбинати сифатида ташкил топган эди. Сўнгра гилам тўқиш фабрикасига айлантирилди. Бироқ, ҳадеганда корхона ишида силжиш бўлавермади. 1993 йили эса мазкур корхона очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди.***

— Аввал ҳам шу корхонада ишлаганман, — дейди жамият бошқаруви раиси Тожимурот Тўраев. — Ишлаб чиқарган маҳсулотимиз халқ талабига жавоб берадими, йўқми? Бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Бунинг устига, олинган фойданинг 50 фоизи вазирликка, қолган қисми эса вилоят бошқармаси чўнтагига тушарди. Шукрки, иқтисодий ислоҳотлар бошланиб, фабрикамиз ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, меҳнат унумдорлиги ошди. Халқимиз талабига жавоб бераоладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Олдин қарзга ботиб юрган корхона 1994 йилни 846 минг сўм соф фойда билан якунлади. Бу кўрсаткич 1995 йилнинг 9 ойида 375 минг сўмни ташкил этди. Бундан ҳам даромад қилишимиз мумкин эди, афсуски хомашёни қиммат нархларда сотиб олганимиз боис, маҳсулот таннархи ҳам қимматлашди. Харидорларимизни бироз чўчитиб қўйдик, шекилли.., — дейди Тожимурот ака.

Ҳақиқатан ҳам, харидор дидига мос, арзон ва қулай маҳсулот ишлаб чиқариш бугунги кун талаби. «Нафиса» ҳиссадорлик жамияти аъзолари бунинг йўлини топишди. Масалан, рангли иплар корхонанинг ўзида тайёрланса, маҳсулот икки баробар арзонлашади. Бунинг учун маҳаллий хомашё, жун етарлича топилади. Фақат рангли ипларни тайёрлаб берадиган замонавий технологияни сотиб олиш керак, холос. Яқинда Россиядан худди шундай ускуна қабул қилиниб олинди. Демак, маҳаллий Бухоро гиламларини халқимизга энг арзон нарҳларда етказиб бериш имконияти пайдо бўлаётир.

Фабрикада ишчиларга қандай қулайликлар яратилгани билан ҳам қизиқдик. Яқинда жамият аъзолари учун 75 ўринли ошхона ва чойхона ишга туширилди. Тез кунда ювиниш, соғломлаштириш, дам олиш ва тиббий хоналаридан иборат маиший ва маданий хизмат кўрсатиш мажмуи фаолият кўрсата бошлайди. Мана шу қурилишлар учун 700 минг сўмдан ошиқроқ маблағ сарфланди.

Корхона фақатгина гилам тўқиш билан чекланиб қолмайди. Эндиликда унинг тармоқлари яна биттага кўпаяди. Қисқа фурсатда маҳаллий хомашё, қўй ҳамда мол терисидан шуба ва оёқ кийимлар тайёрлайдиган цех ишга туширилади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ушбу цех 400-500 минг сўм ортиқча даромад бериши мумкин экан. Мақсадимиз ўз маҳсулотларимиз билан жаҳон бозорига чиқиш, — дейди фабрика директори. — Биз Туркманистондаги «Чоржўй» фермер ишлаб чиқариш бирлашмаси билан туркман гиламларини ҳамкорликда тўқиб, четга чиқариш ҳақида шартнома туздик. Яқин кунларда қардошлар билан биргаликда иш бошлаймиз...

650 кишилик «Нафиса» ҳиссадорлик жамияти жамоаси катта ва равон йўлга чиқиб олиш арафасида. Жамоа ҳар бири 10 миллион 62 сўмлик акция чиқарган. Унинг 40 фоизи давлатники бўлса, 60 фоизи корхонанинг ўзиникидир. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган гилам ва эсдалик совғалари кўзингизни қувнатади. Қўлигул тўқувчиларнинг меҳнати, жаҳон бозорида ҳам қадр-қиммат топишига шубҳа йўқ. Чунки жамоада меҳнатга муносабат тубдан ўзгарди, изланувчанлик ва яратувчилик муҳити қарор топди.

**Маннон ОТАБОЙ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ШИША ИДИШЛАР КЎПАЯДИ

***Хўжайли шаҳри яқинида йилига 20 миллион дона шиша идиш чиқарадиган завод фойдаланишга топширилди.***

Корхона асосан маҳаллий хомашё билан ишлайди. Айни пайтда турли ҳажмда шиша банкалар чиқарадиган линиялар қурилиши давом этмоқда.

Янги заводнинг ишга туширилишига бағишланган йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков сўзга чиқди.

(ЎзА).

• *«Биртаям танқид натижасиз қолмайди»*

## «ЛОҚАЙДЛИК»

### («Халқ сўзи», 1995 йил, 5 декабрь)

***Газетамизнинг юқоридаги сарлавҳали мақоласида Самарқанд шаҳридаги Сиёбча ариғи ташландиқ ҳолга келиб қолганлиги, меҳнаткашларнинг мурожаатига эса шаҳар ҳокимияти эътибор бермаётганлиги баён этилганди. Ушбу масала юзасидан қуйидаги мазмунда жавоб келди.***

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги Ҳусайн Байқаро кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро З. Жумаевнинг «Сиёбча» ташландиқ ариғини тозалаш ҳамда ҳимоя зонасини тиклаш масаласи бўйича мурожаатига қуйидагиларни маълум қилади.

Жорий йилнинг 26 апрель куни бўлган табиий офат-сел келиши натижасида, Сиёбча каналининг Бозорова ва Курчатов кўчалари оралиғида сувнинг сатҳи кўтарилиб, канал ёқасида жойлашган уй-жойларнинг бир қисми нособ ҳолга келди.

Шаҳар ҳокимлиги томонидан табиий офат натижасида талофат кўрган оилалар вақтинчалик шаҳар ҳудудида жойлашган олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ётоқхоналарига жойлаштирилиб, тегишли шароитлар яратиб берилди. Янги қурилган уй-жойлардан 16 та оилага хонадон ажратилиб, кўчирилди, 2 оиланинг уй-жойлари қайта қурилди, 2 таси таъмирланди.

Шаҳар ҳокимлиги хузурида ташкил этилган махсус ишчи гуруҳи томонидан тааллуқли корхона ва ташкилотларни жалб этган ҳолда, ҳашар йўли билан Сиёбча каналининг 500 метр келадиган қисми («Динамо» стадионидан Курчатов кўчасида жойлашган макарон фабрикаси оралиғида) тозаланиб, сув сатҳи 1-1,5 метр пасайтирилди ва асли ҳолига келтирилди. Келгусида техника билан ишлаш учун ҳимоя зонаси очилди. Ариқ охирги 30-35 йил давомида биринчи марта тозаланди.

Каналнинг Курчатов кўчаси ва макарон фабрикаси ҳудудидан ўтадиган қисми қайтадан тикланди, ноқонуний қурилган объектлар бузилди. Ҳашар йўли билан қилинган иш тахминан 700 минг сўмни ташкил этади.

Келгусида ҳам ҳашар йўли билан қилиниши мумкин бўлган ишлар давом эттирилади. Шу билан бирга, канални охиригача тозалаш ва уни реконструкция қилиш учун камида 80-100 млн. сўм маблағ талаб этилади. Шуни назарда тутиб, ҳозирги кунда канални реконструкция қилиш учун лойиҳа хужжатлари тайёрланмоқда ва уни 1996 йилда бошлаш учун объектни режага киритиш чораси кўрилмоқда.

Шаҳар ҳокимлиги келажакда ҳам Сиёбча ариғини тозалаш, шаҳар ободончилигини доимий ўз назоратига олишга муҳарририятни ишонтиради.

**А. НОСИРОВ,**
**Самарқанд шаҳар ҳокими.**

## «УМИД»НИНГ УМИДИ СЎНГАН КЎРИНАДИ»

### («Халқ сўзи» 1995 йил, 7 декабрь)

***Газетамизда юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган танқидий мақоладан сўнг, Наманган вилояти матлубот ҳиссадорлик жамиятлари уюшмаси раҳбариятидан жавоб хати олдик. Унда таъкидланишича, «Умид» хусусий фирмаси, банк ва савдо ташкилотларида рўй берган ноқонуний хатти-ҳаракатлар бошқарманинг 1995 йил 1 декабридаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама этилган.***

«Жумладан, — дейилади хатда, — фонд бўйича ажратилган ўсимлик ёғининг олиниши, тақсимоти ва сотилишини ташкил этишда эътиборсизлик қилгани ҳамда фондларга боғлиқ бўлган хатларга лоқайдлик билан қарагани учун бошқарув раис ўринбосари У. Хушматов вазифасидан озод этилди. Шунингдек, бўлим бошлиғи М. Ғаффоровга ҳайфсан, мутахассис Р. Ҳакимбоевга эса қаттиқ ҳайфсан берилди.

Тизимдаги барча савдо ташкилотлари раҳбарлари иштирок этган мазкур йиғилишда вилоят ҳудудидан моддий товар бойликларини республикамиздан ташқарига ноқонуний равишда олиб кетилишига йўл қўймаслик, озиқ-овқат маҳсулотлари фондларининг олиниши, уларни тақсим қилиш ва сотилишини тўғри ташкил этиш масалалари атрофлича муҳокама этилиб, юқоридаги ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди».

**З. ТЎРАЕВ**
**Наманган вилояти матлубот ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси.**

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

## ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

### МУЛКДОРЛАР СОВҒАСИ

***Узун тумани марказида янги бозор очилди. Уни «Азамат» хусусий фирмаси мулкдорлари қуриб берди.***

Бозорда қуриш мўлжалланган 32 дўкондан ўнтаси ишга туширилди. Ошхона ва чойхоналар хизмат кўрсата бошлади. Обизаранг дарёси бўйидаги бозорни сел бузиб кетгач, узунликлар бозор-ўчар қилишда қийналиб қолган эди. Энди улар бу савобли ишга бош-қош бўлган Азамат Ҳусановдан миннатдор бўлмоқда.

### МАКТАБ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ

***Жомбой туманидаги Ойбек номли 16-ўрта мактаб жамоасининг мўъжазгина иссиқхонасида етиштирилган лимон сотувга чиқарилди.***

Қуёнчилик ҳам мактабга яхшигина даромад келтираётир. Парҳез гўштдан мактаб ошхонасида ўқувчиларга иссиқ таом тайёрланса, терисидан меҳнат ўқитувчиси Шоира Амирқулова кўмагида телпак тикилмоқда. Шу тариқа топилган пулга уч бош соғин сигир сотиб олинди, улар учун бир гектар майдонда озуқа етиштирилмоқда. Бугина эмас. Мактабнинг ярим гектарли мевазор ва тераксори ҳам бор.

### МАҲСУЛОТ ЖОЙИДА СОТИЛАДИ

***Пахтаобод тумани матлубот ҳиссадорлик жамияти қошида ташкил этилган «Улгуржибозор» ходимлари фермер хўжаликлари ва деҳқонлар билан шартномалар тузишга киришди.***

Энди маҳсулот етилиши биланоқ жойнинг ўзида бозор нархига яқин нархларда қабул қилинади, унинг эвазига деҳқоннинг истагига қараб саноат моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа буюмлар берилади.

### ҚИШЛОҚ УСТАСИ



**Бешариқ тумани «Орбита-сервис» радио-теле устахонаси катта устаси Анвар Турдалиев 25 йилдан буён шу соҳада ишлайди. Ўз ишини яхши билганлиги сабаб ҳам одамлар уни «уста» дея ҳурмат билан тилга олишади.**

### МЎМИНОВА НОМИДАГИ МУКОФОТ

***Фарғона вилоятида пахта йиғим-теримида фаол қатнашган теримчилар учун донгдор пахтакор Шакархон Мўминова номидаги мукофот таъсис этилган эди.***

Вилоятнинг 395 минг тонналик «оқ олтин» хирмонига салмоқли улуш қўшган 50 нафар теримчи шу мукофотга лойиқ деб топилди.

### БОШҚИРД ТОМОШАБИНЛАРИ МАМНУН

***Стерлитамак шаҳридаги бошқирд театрида Вильям Шекспирнинг ўзбек режиссёри саҳналаштирган «Қирол Ричард-III» асарини томошабинлар олқишлар билан кутиб олди.***

Мана икки йилдирки, Андижондаги Аббос Бакиров номли ёшлар драма театрининг бадиий раҳбари ва режиссёри Маннон Ҳамидов бошқирдистонлик ҳамкасбларига ўзбек ва жаҳон драматургияси намояндалари асарларини саҳнага қўйишда ёрдам бермоқда. Эндиликда бошқирдистонлик санъат усталарининг Андижонда ўз ижрочилик маҳоратини намойиш этиши кутилмоқда.

### БАХМАЛДА — СУПЕРМАРКЕТ

***Янги йил бахмалликлар учун хайрли келди. Куни кеча бу ерда аҳолига жаҳон савдо маданияти андозалари асосида хизмат кўрсатадиган супермаркет магазини эшиклари кенг очилди.***

Энди бахмалликлар ўзлари учун зарур молларни Ургут ёки Тошкент бозорларидан эмас, янги савдо марказидан харид қиладиган бўлди.

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

*• Долзарб мавзу*

# «ПАХТАКОР»даги «ЗИЛ»лар

РЕПОРТАЖ

***Республикамиз футбол стадионлари айни кунда тинч, осуда. Пойтахтимиздаги марказий «Пахтакор» стадионида эса ўзгача манзара. Бугун бу ерда ашаддий футбол мухлисларининг ҳайқириғи эмас, балки трактор, самосвал, бульдозер ва экскаваторларнинг шовқини қулоқни қоматга келтиради. Стадионга киришингиз билан кўзга ташланадиган ям-яшил футбол майдонидан асар ҳам йўқ.***

«Татра» экскаваторларининг самосваллар устида тупроқдан бўшаган чўмичлари бир зум ҳаволаниб, яна бирин-кетин ўткир тишлари билан футбол майдонига «чанг» соляпти. Яшил майдон ўрни эндиликда тахминан бир метр чуқурликда қазилган бўлиб, катта бассейнни эслатади. Тупроқ юкланган прецепли «Зил» ва «Урал» машиналари турнақатор бўлиб, футболчилар чиқиб келадиган дарвоза томон йўл олишяпти. Юк машиналари йўналиши бўйича 60-70 см. қалинликда тупроқ тўкилиб, устига плиталар ётқизилган, яъни стадионнинг натран билан қопланган югуриш йўлкаларига зарар етказилмаслиги учун махсус йўл қилинган. Ушбу йўлдан стадионга кириб келаётган юк машиналари ҳам қуруқ қайтишмаяпти. Бирига шағал, иккинчисиға қум, учинчисига қувурлар юкланган. Таъмир учун келтирилаётган бу нарсалар ҳам югуриш йўлкаларига «дахл» қилинмаган ҳолда «бассейн» атрофига тартиб билан тўкиляпти ёки тахлаб қўйиляпти. 80-90 чоғли киши қўл билан бажариладиган ишлар билан машғул. Умумий манзара стадион тепасидан қаралганда чумолилар уясини эслатади.

Айни кундаги бу «нотабиий ҳол»ни изоҳлаб беришни сўраб биз стадион директори Умид Зоҳидовга мурожаат қилдик.

— Мамлакатимиз футболининг шон-шуҳратини ошириш учун бизга жаҳон талабларига тўла жавоб берадиган футбол майдонлари ҳам зарур, — дейди Умид ака. — 1993 йил Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорда «Пахтакор» стадионини 1993 ва 1994 йилларда таъмирлаш лозимлиги кўрсатилган эди. Гапнинг очиғи, қарор қабул қилингунга қадар стадион жуда яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Қарордан сўнг стадионда қарийб 5 миллион сўмлик таъмир ишлари бажарилди. Биринчи навбатда ФИФА Низомига мувофиқ футбол майдонини томошабинлар ўриндиқларидан тўсиб турувчи панжаралар ўрнатилди. Чириган, яроқсиз ҳолга келган тахта ўриндиқлар қўпорилиб, янгилари билан алмаштирилди. Барча ўриндиқлар бўялди. Табло жаҳон талабларидан келиб чиқиб , бир неча тилда — ўзбек, рус, лотин ҳарфларида ёзилишига мослаштирилди. Кучли ёритувчи прожекторлар ўрнатилди. Югуриш йўлкалари, телефон, электр, радиоузел тизимлари қайта таъмирланди. Лекин асосийси — футбол майдонининг баъзи жойларига наридан-бери чим ётқизилди, таъмирсиз, эскилигича қолаверди. Турли ёғингарчиликлар туфайли томошабин ўриндиқлари томонидан оқиб келадиган лойқа сув югуриш йўлкаларини лой, тупроқ билан тўлдириб юборарди. Жала оқибатида тўпланган сувларни кетказувчи дренажлар (горизонтал қудуқлар) эскирганлиги туфайли лойқа сув тўғридан-тўғри футбол майдонига ҳам чиқиб кета бошлади. Бунинг устига, майдонимизда жаҳон андозаларидаги иситиш ва автоматик суғориш тизимлари мавжуд эмасди. Майдон чими, текислиги ҳам халқаро талабларга жавоб бермасди. Ҳозир ана шу камчиликларни бартараф этиш ишлари амалга ошириляпти.

Умид ака таъкидлаб ўтган ишлар «Пахтакор» марказий стадиони умумтаъмирининг дебочаси, яъни биринчи навбатидир. У шу йил 1 апрелга қадар якунланиши керак. Бизга маълум қилишларича, стадионни таъмирлаш ишларининг иккинчи навбати 1997 йилда бажарилади. Лойиҳа бўйича ёғоч ўриндиқлар тўласинча кўчириб олинади ва замонавий талабларга мос равишда янги ўриндиқлар ўрнатилади. Шунингдек, стадион таъмирланишининг иккинчи навбатида югуриш йўлкалари ҳам кўчирилиб, қайта қоплаш ишлари амалга оширилади. Лойиҳада стадионнинг устини ёпиш ишлари ҳам кўзда тутилган. Албатта, бу келажакдаги режалар. Шундай бўлса-да, мамлакатимиз бош стадионининг келажакдаги қиёфасини тасаввур этган ҳолда, кўнглимизда қониқиш ҳиссини туйдик.

Стадион таъмирланишининг биринчи навбатида кўзда тутилган ишларни Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли «Ўзмахсуссувдренаж» тресги қурувчилари амалга оширишаяпти. Шу кунгача трест ишчилари 8250 кв/метр чим кесиш, 4560 куб/метр тупроқ қазиб олиш ишларини бажаришипти. Кесиб олинган чимлар ташлаб юборилаётгани йўқ. Улар «Пахтакор» спорт мажмуидаги иккинчи стадион — машғулотлар майдонига келтирилиб, ётқизиляпти. Бу ишларни ҳам шу трест ишчилари бажаришяпти.

— Трестимиз стадионнинг биринчи навбат таъмир ишлари бўйича бош пудратчи ҳисобланади, — дейди бошқарма бошлиғининг ўринбосари Феликс Циркин. — Биз лойиҳачилар, буюртмачилар ва стадион таъмирланиши ишларига жалб қилинган ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз. Германиянинг «Штробак» фирмаси билан шартнома тузилган. Германияликлар стадион таъмирланиши учун маслаҳатчи вазифасини ўташ билан бирга иситиш, автоматик суғориш системалари ва халқаро майдонда ўзини оқлаган майса уруғи ҳамда уларга керакли миқдордаги ўғит аралашмалари етказиб беради. Унгача трестимиз бир қатор ишларни бажариши лозим. Ҳозиргача зиммамиздаги вазифанинг 30 фоизини бажардик. Иш жараёнида ўзига хос қийинчиликларга ҳам дуч келяпмиз. Жумладан, майдоннинг бир неча жойида балчиққа дуч келдик. Бу жойларни янада чуқурроқ қазиб, балчиқ ва лойни чиқариб ташлашга, ўрнини яна қайта қуруқ тупроқ билан тўлдиришга мажбур бўляпмиз.

Биз ишчиларга яратилган шарт-шароитлар билан ҳам қизиқдик. Вилоятлардан келганлар ётоқхоналар билан таъминланибди. Ишчилар учун икки маҳал иссиқ овқат ташкил этилган. Тушлик стадион ёнидаги «Пахтакор» кафесида қилинар экан.

Стадионда амалга оширилаётган ишлар билан танишар эканман, бундан икки йил муқаддам ушбу майдонда ўтказилган бир футбол учрашуви кўз олдимда жонланди. Ўшанда, «Мустақиллик кубоги» учун финалда Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва Голландиянинг «Витесс» клуби ўзаро куч синашганди. Дарвоза ёнида қулай имкониятда турган «Витесс» ҳужумчисига ярим ҳимоячи жуда оддий вазиятдан тўпни аниқ етказиб беролмади. Ярим ҳимоячи асабийлашганча, яшил майдонни тепишга тушди. Чунки учрашувда ютқазаётган голландияликлар учун гол жуда зарур эди. Лекин улар бунинг уддасидан чиқишолмай, учрашувни бой беришди. Учрашувдан сўнг матбуот конференциясида «Виттесс» мураббийлари майдоннинг нотекислигидан шикоят қилишди. Ваҳоланки, «Пахтакор» мамлакатимизнинг энг текис майдони саналарди.

Демакки, энди бизда ҳам халқаро талабларга тўла жавоб берадиган майдон бунёд этиляпти. Қанийди, шундай майдонлар мамлакатимизда битта эмас, бир нечта бўлса, деган орзу-умид хаёлимдан кечди. Ўшанда томошабинлар ҳам оддий вазиятларда тўпни йўқотиб қўйишаётган футболчиларимиздан ноҳақ нолишмас, ўйинлар савияси янада ошган бўларди. Шундай хаёллар оғушида стадиондан чиқиб кетарканман, дарвоза ёнида «Ўзмахсуссувдренаж» трестининг бошлиғи Равшан Сирожиддиновга дуч келдим.

— Шундоққина Вазирлар Маҳкамасидан, йиғилишдан келаяпман. Агар биз амалга ошираётган ишлар билан танишган бўлсангиз, ана шундай таъмир ишлари республикамизнинг яна 13 та стадионида бажариладиган бўлди, — деди Равшан ака гўё хаёлимда кечаётган фикрларни англагандек. — Бизнинг трестимиз ўз зиммасига «Пахтакор» стадионидагидан фарқли ўлароқ, барча вилоят футбол майдонларида фақат дренажлар қазиш вазифасини олди. Қолган ишларни вилоятларда бошқа ташкилотлар амалга оширади. Бу деган сўз, республикамизнинг ҳар бир вилоятида жаҳон андозаларидаги яшил майдонлар барпо этилади, демакдир.

Албатта, бу хабар нафақат ўз мухлислари олдида ноўрин «изза» бўлиб қолаётган футболчиларимизни, балки мураббийлар ва кўп минг сонли футболсеварларни ҳам қувонтиради. Чунки бизнинг мамлакатимизда ҳам ниҳоят ажойиб ўйинлар учун шарт-шароитлар яратила бошланди. Эҳтиёж ва шарт-шароитлар уйғунлашган жойда истеъдодлар камол топиши, шубҳасиз.

**Расул ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Ўз касбига садоқати, ширинсўзлиги билан эл-юрт олқишига сазовор бўлаётган ҳаким Тошпўлат Юсупов Наманган вилоятидаги кўп соҳали «Гўзал» шифохонасида бўлим мудири бўлиб ишлайди. Кўплаб ёш табобатчилар устози Тошпўлат ака буйракда йиғилган тошларни тиббий аппарат ёрдамида майдалаб тушириб юбориш, тиғсиз операциялар ўтказиш билан беморлар дардига малҳам бўлаётир.*

*СУРАТДА: олий тоифали шифокор Тошпўлат Юсупов.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# ИПАК ИПЛАР

***Касби туманидаги пиллачилик ширкати хўжаликларда етиштирилган хомашёни қабул қилиб, саноат корхоналарига жўнатиш билан шуғулланишга йўналтирилган.***

Кейинги пайтларда пиллачилар томонидан етиштирилаётган қимматбаҳо хомашёга талаб бирмунча сусайди. Ширкат жамоаси саноат корхоналарига ярим тайёр маҳсулот юбориш борасида изланиб, шу ернинг ўзида пилла толасини ажратадиган, калава ўрайдиган мосламаларни ўрнатдилар. Улар пиллани қайта ишлайдиган КС — 10 русумли мосламадан унум билан фойдаланишмоқда. Ушбу мослама ёрдамида пилла толага ажратилаётир.

Калава ўраш цехида 12 та чарх ёрдамида толадан ипак иплар ўралиб, калавалар ҳосил қилинмоқда. Ҳозирги пайтда пиллани толага ажратиш, калава ўраш ишлари билан 30 нафар хотин-қиз банд бўлиб турибди.

Пилладан тайёрланган ипак иплар саноат корхоналарига жўнатилади. Шуниси диққатга моликки, ота-боболаримиз усули бўйича чархларда ўралаётган иплар махсус пиллани қайта ишлайдиган саноат корхоналарида тайёрланган иплардан пишиқлиги, нафислиги билан қолишмайди.

Ширкат жамоаси хомашёни қайта ишлашдан олинаётган фойда эвазига ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги-янги дастгоҳлар, ускуналар сотиб олишни мўлжаллаб иш тутаяптилар.

**П. ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

## КУНИГА 1500 ЖУФТ

***Самарқандлик ишбилармон Мавлон Ҳамроевнинг саъй-ҳаракатлари билан шаҳарда яна бир қўшма корхона ташкил топди.***

У Испаниянинг «Индастриал-трейдинг-мейнтекст-Витирани СА» фирмаси билан ҳамкорликда бир кеча-кундузда 1500 жуфт болалар ва катталар пайпоғи тайёрлайдиган ўн иккита ускуналарни олиб келишга муваффақ бўлди.

Кейинчалик корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, тайёрланаётган маҳсулотлар сони 2500 жуфтга етказилади. Эътиборли томони шундаки, буларнинг барчаси атиги ўттиз нафар ишчи кучи билан амалга оширилади.

**М. МУҚИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҚЎШИМЧА ИШ ЖОЙЛАРИНИ ЯРАТГАН «АГАМА»

***Зафаробод шаҳарчасида «Агама» қўшма корхонасининг очилганига ярим йилдан ошиб кетди.***

Шу қисқа муддат ичида мазкур корхона маҳсулотлари ўзининг ҳар томонлама қулайлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Филиал директори И. Самаликовнинг таъкидлашича, маҳсулотлар сифати — асосий мезон. Харидор диққатини тортади. Уни таъминлаш мақсадида корхонага Италия, Германия ва Япониядан келтирилган дастгоҳлар ўрнатилган. Ушбу дастгоҳларда 70 дан ортиқ зафарободлик хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

**Т. ЭШБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОЛИЖАНОБ, ЭЗГУ ТАДБИР

***Корея Республикаси пойтахти Сеул шаҳрида «Самсунг» корпорациясининг кардиожарроҳлик марказида ўзбекистонлик тўрт қиз мураккаб ташрих этилиб, юрак хасталикларидан холи қилинди. Болалар соғайгач, ватанларига қайтиб келишди.***

Тошкент аэропортида уларни шу эзгу тадбир ташкилотчилари, шифокорлар, ота-оналари кутиб олишди. Ўнлаб олижаноб кишилар юраги туғма касал бўлган қизалоқлар саломатлигини тиклашда иштирок этдилар. Булар аввало мазкур тадбирни ташкил этишни ўз зиммасига олган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг ходимларидир. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси болалар ва уларнинг оналарини кўзланган манзилга текин олиб боришди. Корейслар диёрида «Самсунг» корпорацияси кардиожарроҳлик маркази мутахассислари уларни оталиққа олишди. Марказ мутахассислари қизалоқларни ташрих этибгина қолмай, қисқа муддат ичида беморлар саломатлигини тўла тикладилар. Бунинг учун соф тиббий тадбирлардан ташқари беморлар руҳиятини кўтарувчи дастурлар ҳам кўзда тутилган эди. Шифохона ходимларининг ҳамдардлиги ва самимийлиги, ширин сўзлиги ҳам болаларнинг тез соғайишига ёрдам берди.

— Корейс шифокорларига ва бу тадбирни амалга оширишда иштирок этган барча кишиларга қалбимиздаги миннатдорлик туйғуларини ифодалашга сўз топиш қийин, — деди учрашув чоғида «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқарувининг раиси Гулнора Йўлдошева. — Тақдир тақозаси билан ётган жойидан қўзғала олмайдиган бемор қизлар эндиликда барча тенгдошлари каби яшашлари, ўқишлари, ўйнашлари мумкин. Бу катта ғалаба, болаларнинг ўзлари учун ҳам, уларнинг ота-оналари учун ҳам, бу ишда кўмаклашган барча кишилар учун ҳам катта бахт.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик аниқ ишлар билан мустаҳкамланмоқда, — деди аэропортдаги учрашувда иштирок этган Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Со Кон И. — Ўзбекистонлик болаларнинг соғлиғини тиклаш юзасидан амалга оширилган олижаноб тадбир бунга мисол бўла олади. Бу тадбир давомида вужудга келган ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик туйғулари бошқа барча ишларимизда ҳам йўлдош бўлади, деб умид қиламан.

Учрашув маросими тугагандан сўнг болалар «Тез ёрдам» махсус машиналарида республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг академик Воҳидов номидаги жарроҳлик илмий маркази шифохонасига келтирилди. Олис мамлакатдан самолётда келиш уларнинг аҳволига таъсир қилиши мумкин. Шу сабабли улар бу ерда ҳар томонлама текширувдан ўтадилар, зарур бўлса, уларга тиббий ёрдам кўрсатилади.

**(ЎзА).**

*• Ҳашар*

# ЖУРНАЛИСТЛАРГА АТАЛГАН ЮЗ МИНГЛАР

***Хоразм вилоятида матбуотни қўллаб-қувватлаш бўйича шанбалик ўтказилди.***

Воҳадаги аксарият меҳнат ва ўқув жамоаларининг ташаббуси ва вилоят ҳокимининг қарорига биноан ўтказилган ҳашарда жами 100 мингдан зиёд киши фаол иштирок этди. Биргина Урганч шаҳрининг ўзида 153 минг сўмлик маблағ тўпланди. Шаҳардаги 400 дан кўп корхона, ташкилот ва муассасаларнинг 45 мингга яқин ишчи-хизматчилари баҳамжиҳат меҳнат қилдилар. Айниқса, «Қурилиш материаллари заводи», мебелсозлик бирлашмаси, «Шароб» ҳиссадорлик жамиятлари кўп моддий бойлик яратдилар.

Дастлабки маълумотларга қараганда, меҳнат жамоалари ўша куни жами 500 минг сўмдан зиёд маблағ ишлаб топдилар. Бу маблағнинг бари вилоятдаги мавжуд оммавий ахборот нашрлари ихтиёрига берилади. Таҳририятлар эса уни ўзларининг моддий имкониятларини кенгайтириш, ижодкорларни ижтимоий муҳофаза этишга сарфлайдилар.

**А. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «НЕГА ҚАЙНОНАМНИ ЯХШИ КЎРАМАН?»

***Мустақил диёримизда аёллар фаоллиги, уларнинг жамоат ишларидаги иштироки тобора ўсмоқда.***

Бунда, албатта, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталарининг хизмати катта.

Яқинда Ғаллаорол туманида «Нега қайнонамни яхши кўраман?» мавзуида бўлиб ўтган давра суҳбати фикримизнинг далилидир. Унда ўн иккита хўжалик, саккизта маҳалладан энг фаол аёллар иштирок этишиб, оила мустаҳкамлиги, қайнона-келин муносабатлари хусусидаги фикрларини ўртага ташладилар.

**Н. ҲАЙИТБОЕВ.**


ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ
"СУВЖИҲОЗГАЗ"
ҚЎШМА КОРХОНАСИ

**СУВ ВА ГАЗ УЧУН ТУРЛИ МОДЕЛДАГИ ХЎЖАЛИК ВА САНОАТ СЧЁТЧИКЛАРИНИ, ШУНИНГДЕК КЎП ВАЗИФАНИ БАЖАРА ОЛАДИГАН УНИВЕРСАЛ ГАЗ ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЛАШ АППАРАТЛАРИНИ СОТАДИ.**

*Бу аппарат электр пайвандлаш,шунингдек газ билан пайвандлаш аппаратлари ўрнини бемалол босади.*

*У 220 V дан 380 V гача кучланишли электр қувватида ишлайди. Бу энг қулай ва бир жойда туриб бажариладиган пайвандлаш ишларида ҳамда кўчма шароитлардаги пайвандлаш ишларида энг универсал аппарат ҳисобланади. Пайвандлаш ишларида* ***1,5-5 мм****. диаметргача бўлган турли электродлардан фойдаланиш мумкин.*

*Бу аппарат ёрдамида турли ёриқларни аниқ пайвандлаш ва турли хил пўлатларни,углеродли зангламайдиган, паст легирланган пўлатларни ва чўянни пайвандлаш мумкин (электр қуввати эса пайвандланаётган материалнинг ва электроднинг тегишли нуқтаси ва диаметрига қараб кўпроқ ва камроқ даражада қўлланилиши мумкин.*

*Шу билан бирга газ пайвандлаш аппаратидан фойдаланиш жараёнида турли-туман рангли металларни ҳамда турли пластмасса (челак,тоғора,қувур ва ҳоказо) буюмларни паст даражада пайвандлашда фойдаланиш имконияти бор.*

*Аланганинг иссиқлик даражасини юқорига кўтариш ёки пастга туширишни бошқариб туриш мумкин.*

***Бу усулда электр пайвандлаш электр қувватини 40 фоизга тежаш имкониятини беради. Демак, одатдаги электр пайвандлаш аппаратлари бундан кўпроқ электр қуввати сарфлайди.***

***Газ пайвандлаш эса одатдаги газ пайвандлаш аппаратларига нисбатан хомашёни 55 фоизга тежаш имкониятини беради.***

**ТЕХНИК ХУСУСИЯТЛАРИ:**

| | | |
|---|---|---|
| Ишга кириш кучланиши 380/220 V<br>Фойдаланишда ишлатиладиган ёнилғи А76/А93 бензин<br>Пайвандлаш миқдори: енгил эрийдиган буюмлар ва пластмассаларни пайвандлаш.<br>Бензин сарфи: 0,125 кг/соат<br>Электр қуввати сарфи: 30 В/соат | Сарф этилаётган иссиқлик: 1000 даража С<br>Электр қувватини бошқариш чегараси: 70/160 А<br>Эркин ҳаракат кучланиши: 50 V<br>Давомийлиги: (фоиз) 100 /70А/ 60 /100А/ 60 /160А/ 60 /160/ | Ишлаш пайтидаги кучланиш: 22 V/ 26 V<br>Пайвандлаш учун энг кам электр токи миқдори 125 А<br>Энг кам миқдордаги қувват сарфи: 3 KW<br>Кичик ҳажмдаги оғирлиги - 20 КГ |

**ТАЪМИНОТЧИ: ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ "СУВЖИҲОЗГАЗ" ҚЎШМА КОРХОНАСИ.**

**Бизнинг манзилимиз:**

*Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Воровский кўчаси, 26-уй.*

**Телефонлар:** *96-70-94, 96-53-71.*



UzBAT A.O. BAT Central Asia A.O.

***SECRETARIES & TRANSLATORS***

**Our Uzbek-British joint venture is the largest foreign investment underway in Uzbekistan.**

British-American Tobacco has interests in **over 50 countries** worldwide with close to **200,000 employees.** We are committed to becoming the premier tobacco and cigarette producer in Central Asia.

If you would describe yourself as a good or excellent English speaking graduate who enjoys translating, writing, or administrative work, we invite you to apply for aposition with us.

Preference may be given for candidates with excellent knowledge of language, computer word processing and spreadsheet skills, experience with foreign or joint-venture offices, studies or travel abroad **(especially to England or the United States)**, or knowledge of technical or financial English.

***You can apply for employment at our Tashkent or Urgut sites by completing our standard application form, available at the entrances to:***

*Tashkent Tobacco Factory, Nasirov St. 77 (off former Sofiski Prospect)*
*Urgut Fermentation Plant, Navoi Avenue 10, Urgut*
*Samarkand Fermentation Plant, Rudaki St.150, Samarkand*

**Make Your Mark On Uzbekistan's Business Future!**
**Enter A Challenging and Rewarding Career With BAT!**


Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-терғов ходимлари малакасини ошириш маркази жамоаси кафедра мудири И. Х. Ҳакимовга синглиси

**ХОЛБУВИнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти жамоаси нашриётнинг кекса ходими, меҳнат фахрийси

**Абдувохид РАСУЛЕВнинг**

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси республика телевидениесининг ижодий жамоаси режиссёр Н. Собиржоновга онаси

**Моҳлархон ҚОДИРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти раҳбарияти, «Механизация» маркази ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги технологияси кафедраси жамоаси ассистент Зафар Рўзиқуловга онаси

**Ёғилой РАЖАБОВАнинг**

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

